

Жиззах шаҳар .

«SIRAMU» МЧЖ «Сотувчи» деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи раҳбари С.Раҳматуллаев номидан, бир томондан «Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази» шахсида Низом асосида ҳаракат қилувчи, кейинги уринларда «Сотиб олувчи» деб юритилади Ф.Душанов номидан, иккинчи томондан қуйидагилар туғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

- 1.1. Сотувчи узига тегишли Махсулотни Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса ушбу Махсулотни қабул қилиш ва ҳақини тулаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Махсулот ҳақида маълумотлар: Ушбу шартноманинг 1.3 қисмидаги № 1 жадвалида курсатилган.
- 1.3. № 1

№	Махсулотнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Баҳоси	Суммаси
1	Кровать функциональные	Дона	8	6 200 000	49 600 000
				Жами	49 600 000

- 1.4. Махсулотнинг умумий баҳоси 49 600 000 (Қирк туккиз миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади.

2. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ.

- 2.1. Ушбу шартнома буйича тулов қуйидаги тартибда амалга оширилади: Шартнома томонлар уртасида имзоланиб Ҳазначилик органидан рўйхатдан ўтгандан кейин 3 банк куни ичида Сотувчига шартноманинг умумий қийматидан олдиндан 30 % тўлов амалга оширилади, қолган 70 % тўлов махсулот етказиб берилгандан сўнг имзоланган ҳисоб фактурага асосан 15 банк куни ичида амалга оширилади.
- 2.2. Тулов шакли: Пул утказиш йули билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
- 3.2. Шартноманинг 2.1 банди бўйича Сотиб олувчи олдиндан тўловни амалга оширгандан сўнг сотувчи Махсулотни 5 банк кун ичида Сотиб олувчига топшириши шарт.
- 3.3. Махсулотни ва унга оид ҳужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида Сотиб олувчига топшириш.
- 3.4. Махсулотни шартнома шартларига жавоб берадиган микдорда ва сифатда, ташиш жараёнида унинг бузилиши, синиши ёки йук булиши мумкинлигини истисно қиладиган даражадаги идишларда ва жойлаштирилган ҳолда топшириш.
- 3.5. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
- 3.6. Махсулотни 5 кунлик муддатда қуздан кечирши. Махсулотнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, Сотиб олувчи шу муддатда Сотувчига аниқланган номувофикликлар ҳақида маълумотларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборади.
- 3.7. Сотувчи сифати лозим даражада булмаган Махсулотлар юборилганлиги ҳақида хабарномани олган пайтдан бошлаб 20 кун ичида сифати лозим даражада булмаган Махсулотни сифатлисига алмаштириш.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 4.1. Махсулотларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тулик етказиб берилмаган ҳолларда, Махсулот етказиб берувчи сотиб олувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Махсулотлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тулаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни Махсулотларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тулик етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
- 4.2. Агар етказиб берилган Махсулотлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳужжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи Махсулотларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тулашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада булмаган Махсулотлар қийматининг 0,1 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар Махсулотлар ҳақи тулаб қуйилган бўлса, туланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада булмаган Махсулотлар етказиб берилганлик учун жарима етказиб берувчидан ақецптсиз тартибда ундириб олинади.
- 4.3. Етказиб берилган Махсулотлар ҳақини уз вақтида туламаганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига утказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,01 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаган микдорида пеня тулайди.
- 4.4. Тарафларнинг жавобгарлик ҳолатлари Ўзбекистон Республикасининг «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисидаги» Қонуни буйича амалга оширилади.

5. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

- 5.1. Ушбу шартномага ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.
- 5.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофик ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга қура, етказилган зарар қопланган ҳолда йул қуйилади.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

- 6.1. Ушбу шартнома буйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар уртасида келиб чиқадиган барча низолар ёзма талабнома билдириш тартибига риоя қилинган ҳолда хал этилади.

6.2. Билдирган талабномасига қонулда белгиланган бир ойлик муддат ичида жавоб олмаган ёки талаблари қаноатлантирилмаган тақдирда, ҳуқуқи бузилган деб ҳисобловчи тараф низоини ҳал қилиш учун даъво аризаси билан жавобгар жойлашган ҳужалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

7. Коррупцияга қарши курашни бўйича АСОСИЙ ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашни тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайди, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Давлат хизматлари агентлиги Жиззах вилоят бошқармаси ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

7.2. Агар шартнома бўйича бир Тараф Давлат хизматлари агентлиги Жиззах вилоят бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);

Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

8. БОШКА ШАРТЛАР.

8.1. Шартнома икки нусхала тузилиб томонлар ўртасида имзоланиб Ғазначилик органидан рўйхатдан ўтгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрғача амал қилади.

8 Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

СОТИБ ОЛУВЧИ:

«СОТУВЧИ»

«SIRAMU» МЧЖ

Манзил: Жиззах шаҳар Заргарлик маҳ

«Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт
маркази»

Х/р: 20 208 000 205 415 466 002

СТИР: 200342645

ОКОНХ:

МФО 00123 ИНН: 308 670 729

Юридик манзили:

Жиззах шаҳар Кимёгар маҳалла Навон куч 4а

ШХР: 100021860084017073101054016

Тел/факс: 94 341 40 00

Ғазначилик бошқармаси

Х/р: 2340200030010001010

Банк номи: ШРАШИДОВ Т., "АГРОБАНК" АТБ ЖИЗЗАХ
ФИЛИАЛИ

МФО:00014

СТИР:

Банки:Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ

МФО:

9. Тарафларнинг имзолари ва муротлари

СОТУВЧИ:

С.Раҳматуллаев

ИМЗО)

СОТИБ ОЛУВЧИ:

Ф.Душанов

ИМЗО)

Ҳуқуқшунос

Шеҳназ Саҳнашова Ш.



«ТАСДИКЛАЙМАН»
Жиззах вилояти кўп тармокли
тиббиёт маркази
Ф. Душанов
«29» апрел 2022 йил



Жиззах вилояти кўп тармокли тиббиёт маркази танлов комиссиясининг туман (шаҳар)
Кроват функциональные махсулоти сотиб олиш бўйича 22110012070630-сонли лотга мувофик
ўтказилган электрон танловга асосан

ШИКОЯТ ТУШМАГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

БАЁННОМАСИ № 5

2022 йил 29 апрель

Жиззах шаҳар

КОМИССИЯ ТАРКИБИ

DUSHANOV FARXAD ORZIKULOVICH	Директор (комиссия раиси)
ILASHEVA MUXAYYO SHUXRAT QIZI	Кассир (аъзо)
MUSAYEV SHAXZOD G'ANISHER O'G'LI	Бош иктисодчи (аъзо)
SATTAROV ORIF QUCHQAROVICH	Бош ҳисобчи (аъзо)
URALOV BOYXUROZ KURBANOVICH	ҳисобчи (котиб)
RASULOVA SHAXNOZA UZOQOVNA	Бош Хамшира (аъзо)

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА

Жиззах вилояти кўп тармокли тиббиёт маркази танлов комиссиясининг туман (шаҳар)
Кроват функциональные махсулоти сотиб олиш бўйича 22110012070630-сонли лотга мувофик
ўтказилган электрон танлов муҳоқомаси.

ЭШИТИЛДИ:

Баҳолаш танлов комиссияси раиси Ф.Душанов сўзга чиқиб, Тиббиёт марказимиз Кроват функциональные зарурияти бўлганлиги учун "XARID.UZ" ахбарот порталига энг яхши таклиф учун электрон 50 000 000 сўмга танловга эълон жойлаштирган эдик.

Мазкур эълонга асосан 2022 йил 26 апрел куни ўтказилган электрон танловда «SIRAMU» мчж 22110012070630-сонли лотга асосан ўтказилган электрон танловда голиб деб эълон қилинди. Юқорида кўрсатилган ишларни бажартиришимиз зарур бўлмоқда. Ўтказилган энг яхши танлов бўйича фикр мулоҳазаларингизни ва таклифларингизни билдиришларингизни сўрайман.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзолари О.Саттаров, бош ҳисобчи М. Илашев, Ш. Мусаев ва Б. Уралов Ш.Расуловлар сўзга чиқиб ўз фикр мулоҳазаларини билдирдилар ва танловнинг электрон портал орқали шаффоф ўтказилганлиги, танлов бўйича ҳеч қандай эътироз ёки шикоятлар бўлмаганлигини ўз сўзларида маълум қилишдилар.

Билдирилган фикр мулоҳазаларни инобатга олиб, танлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Мазкур танлов юзасидан хеч қандай шикоят тушмаганлиги «SIRAMU» МЧЖ электрон танловда голиб чиққанлиги сабабли танлов конун талабларига кўра электрон тарзда бўлганлиги сабабли танлов шаффоф ўткан деб топилсин.

ILASHEVA MUXAYYO SHUXRAT QIZI



MUSAYEV SHAXZOD G'ANISHER O'G'LI



SATTAROV ORIF QUCHQAROVICH



URALOV BOYXUROZ KURBANOVICH



RASULOVA SHAXNOZA UZOQOVNA


